



Ислом Нури

Хурматли ота оналар, Муовия разияллоху анху айтадиларки,
пайгамбаримиз
саллалоху алайхи ва салламни бунай деганларини эшитдим: Кимгаки,
Аллох яхшиликни
истаган бўлса, уни динда факих халол ва харомни тушунадиган, хак
билин ботил
орасини ажрата оладиган олим килиб кўяди. Расулуллох саллалоху
алайхи ва саллам
ёш бола бўлган Абдуллох ибн Аббосга бундай дуо килган эдилар: Эй
Аллох,
Абдуллохни динда факих кил!

Аллох таоло дин олимларининг шаънини олий
килди. Азиз ота оналар, Аллох таоло сизларни хам,
фарзандларингизни хам Ислом
динида факих килсин!

1. Савол: Болажоним, мана намозхон тахоратини
килиб бўлди. Намозни кандай ўкийди?

Жавоб: Биринчи намоз ўкишни ўрганади.

2. Савол: Мусулмонлар бир кеча-кундузда неча маҳал намоз ўкишлари
керак?

Жавоб: Аллох таоло бир кеча-кундузда беш маҳал намоз ўкишни
мусулмонларга
фарз килган.

3. Савол: Фарз нима дегани?



Жавоб: Фарз Аллохнинг шунака буюрган буйругики, ким фарз амални килмаса жаханнамда азобланади.

4. Савол:

Болажоним, беш махал ўкиладиган фарз намозларининг оти нима?

Жавоб: Ўзбек

тилида бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон, деб номланади.

5. Савол: Бомдод

намози качон ўкилади?

Жавоб: Тонг ёришгандан кейин, куёш чиккунга кадар ўкилади.

6. Савол: Пешин намози качон ўкилади?

Жавоб: Куёш тепамизга

келиб бироз ботиш томонига ўтгандан кейин аср вактигача ўкилади.

7. Савол:

Аср намози качон ўкилади?

Жавоб: Одамнинг сояси бўйи билан тенг бўлгандан кейин куёш ботгунга кадар ўкилади.

8. Савол: Шом намози качон ўкилади?

Жавоб: Куёш ботгандан кейин, кун ботар томондаги кизиллик йўколгунга кадар

ўқилади.

9. Савол: Хуфтон намози качон ўқилади?

Жавоб: Куёш ботар

томонидаги кизиллик йўколгач кечанинг ярмигача ўқилади.